

МУХАМЕДОВ Нейматулло

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси,
Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA
кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
nematulloh@mail.uz

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРТА АСР АРАБ МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

ОСВЕЩЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХАЗРАТИ ИМАМА (ХАСТИМАМА) В СРЕДНЕВЕКОВЫХ АРАБСКИХ ИСТОЧНИКАХ

COVERAGE OF THE ACTIVITIES OF HAZRAT IMAM (KHASTIMAM) IN MEDIEVAL ARABIC SOURCES

Аннотация: Ислом оламида Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий ва бошқа кўплаб “Имом” даражасига сазовор бўлган алломалар қаторида Имом Абу Бакр Каффал Шоший (904-977) алоҳида ўрин тутади. Замондошлари уни ҳурмат билан “Ҳазрати Имом” деб аташган.

Бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Каффал Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига “катта”, “улуғ” маъносини ифодалайдиган “ал-Кабир” сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қўлсозликда шуҳрат қозонганлиги боис “ал-Қаффал” яъни, қўлчи, қўлсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган.

Ушбу мақолада Каффал Шошийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ўрта аср араб манбаларида асосида тадқиқ қилинган. Ўрта аср араб муаллифлари Каффал Шошийни буюк аллома деб аташган. У ўз даврининг имоми, шунингдек, ислом илмлари - фикҳ, ҳадис, фикҳ асослари (усул) ҳамда тилишунослик каби соҳаларда беқиёс олим эди. Каффал Шошийнинг номи Мағрибда (Ғарбда) ҳам, Маширикда (Шарқ) ҳам машҳур бўлган.

Калит сўзлар: ўрта аср араб манбалари, Шош, Шоший, Ҳазрати Имом, қаффал, фикҳ, ҳадис, усул, қўлсоз, Мағриб (Ғарб), Маширик (Шарқ).

Аннотация: В мире Ислама наряду с Имамами аль-Бухари, ат-Термизи, аль-Матуриди и др. многочисленными учёными, которые удостоились звания «Имам» особое место занимает Имам Абу

Бакр Каффал Шаши (904-977). Современники с уважением называли его «Хазрат Имам».

Полное его имя – Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмоил Каффал Шаши. В арабских источниках в знак уважения и почёта к его имени добавляется слово «Кабир», означающее «большой», «великий». Первоначально он был искусным ремесленником, изготовлявшим замки и поэтому впоследствии его профессия стала приставкой к его имени «Каффал», т.е. «выделывающий замки», «замочник».

Данной статье на основе средневековых арабских первоисточников исследовано жизнь и научная деятельность Каффала Шаши. Арабские средневековые авторы называли Каффала Шаши великим учёным. Он был Имомом своего времени, а также был незаменимым и несравненным учёным в таких областях исламских наук, как фикх, хадис, основы фикха (усул), языкознание. Имя Каффал Шаши известно и в Магрибе (Запад) и в Маширике (Восток).

Ключевые слова: средневековые арабские источники, Шаш, Шаши, Хазрат Имам, каффал, фикх, хадис, усул, замочник, Магриб (Запад), Маширик (Восток).

Annotation: In the world of Islam, along with such Imams as al-Bukhari, at-Termizi, al-Maturidi and others, Imam Abu Bakr Kaffal Shashi (904-977) occupies a special place among the numerous scholars who were awarded the title “Imam”. Contemporaries respectfully called him “Hazrat Imam”.

His full name is Abu Bakr Muhammad ibn Ali ibn Ismail Kaffal Shashi. In Arab sources, the word “Kabir” (“big,” “great”) is added as a sign of respect and honor to his name. Initially, he was a skillful artisan who made locks and therefore later his profession became a prefix to his name “Kaffal”, i.e. “locksmith”.

This article examines the life and scholarly work of Kaffal Shashi, based on medieval Arabic primary sources. Medieval Arabic authors called Kaffal Shashi a great scholar. He was the Imam of his time, and also an indispensable and incomparable scholar in such fields of Islamic science as fiqh, hadith, the fundamentals of fiqh (usul), and linguistics. The name of Kaffal Shashi is known in both the Maghreb (West) and the Mashriq (East).

Keywords: medieval Arabic sources, Shash, Shashi, Hazrat Imam, kaffal, fiqh, hadith, usul, locksmith, Maghreb (West), Mashriq (East).

КИРИШ

Юртимиз азалдан мусулмон оламидагина эмас, балки жаҳонда илм-фан, маданият, айниқса, исломнинг назарий жиҳатдан ривожланган ўлкаси бўлган. Бу диёрдан етишиб чиққан буюк

алломалар оламшумул тадқиқотлари билан ўрта асрларда Куръон тафсири, ҳадис, адаб, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илмларининг турли соҳаларида янги даврни бошлаб беришган.

Ўзбекистон буюк алломалар етишиб чиққан жаннатмакон юрт сифатида дунёга машҳур. Мамлакатимизнинг деярли ҳар бир гўшасида уларнинг номлари билан боғлиқ жой номлари, қадамжолари бунга яққол мисол бўла олади.

Янги Ўзбекистонда буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, кадр-қиммати янги қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилиш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Аждодларимиз сермазмун ҳаёти ва фаолияти, бой диний ва илмий мероси билан ислом дини назариясини бойитишган. Ўз даврида, яъни X–XII асрларда Мовароуннаҳрдаги Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент – ўрта аср араб манбаларида Шош деб номланиб, тафсир, ҳадис, фикҳ, тилшунослик илмларида кўплаб таниқли олимларни етиштириб берган. Бу ерда туғилиб ёки камолотга етган буюк зотлар, олимлар ўзларига «Шоший» нисбаси олишни шараф деб билишган.

УСЛУБЛАР

Тадқиқотни ёритиш жараёнида ва унинг методологик асоси ҳамда концепциясини ишлаб чиқишда замонавий тарихий тадқиқот усуллари асос қилиб олинди. Жумладан, тарихийлик, тадрижийлик, ҳаққонийлик, холислик ва илмийлик тамойиллари асосида ёндашилди. Турли манбалар, маълумотларни муомалага киритиш жараёнида улар ҳам қиёсий таҳлил этиш асосида умумлаштирилди.

НАТИЖАЛАР

Ислом оламида Имом Бухорий (810-870), Имом Термизий (824-892), Имом Мотуридий (870-944) каби «имом» даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Қафғол Шоший (903-976) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари «Ҳазрати Имом» деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафғол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида

ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодаладиган «алКабир» сўзини қўшиб ёзадилар [10:6-8]. Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис «ал-Қафғол» яъни, қулғчи, қулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган [11: 4 (1)].

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (1113-1167) ўзининг «алАнсоб» («Насабнома») асарида шундай ёзади: «Қафғол – қулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафғол Шоший Шош аҳлидан бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қафғол Шошийнинг номи Мағрибу Машрикқа ёйилган... Қафғол Шоший тўғрисида шундай нақл мавжуд бўлган:

«Бу Абу Бакр қулфсоз фақиҳ»,

Фикҳ билан қийин қулғлар(масалалар)ни очувчидир» [1:244-245].

Таниқли муаррих Шамсуддин Заҳабий (1274-1348) эса уни нафақат Мовароуннаҳр балки Хуросон олими сифатида ҳам эътироф этади: “Аллома, луғат, усул, фикҳ имоми Хуросон олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Шоший Шофиъий “Катта Қафғол” номи билан машҳур бўлган. У зот Мовароуннаҳрда ўз даврининг имоми бўлиб, бир неча китоблар мусаннифи бўлган” [15:283].

Мисрлик муаррих Тождуддин Субкий (ваф. 1370) эса алломани қуйидагича таърифлайди: “У замонасининг улуғ имомларидан бири, бир қанча илмларда кенг қобилият ва очиққўл эгаси бўлган буюк инсондир. Абу Бакр Қафғол Шоший тафсир, ҳадис, калом, усул, фуруъ, луғат ва шеърийат илмларида улуғ имом(пешво) лардан бири бўлган. У кўплаб илмларни муҳофаза қилган, ўзи келтирган нарсаларни таҳқиқ этиб, уларни гўзал тасарруф қилувчи замон шахсларидан бири эди” [13:152].

Абу Бакр Қафғол Шошийнинг Ислом оламидаги обрўётибори ва мавқеи, илмий салоҳияти ҳақида ўрта аср араб муаллифлари ўз асарларида алоҳида таъкидлаб ўтишган. Жумладан, Ибн Халликон ўзининг “Вафоёт алаъён” (“Улуғ кишилар вафоти саналари”) китобида «Абу Бакр Қафғол Шоший ўз замонасининг имоми бўлган. У фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик фанлари ва шеър битиш бўйича Мовароуннаҳрдаги олимлар орасида тенги йўқ бўлган. У Хуросон, Ирок, Ҳижоз,

Шом ва Суғур (Шимолий Сурия) сафарида бўлган, унинг донғи бу ўлкаларда ҳам кенг тарқалган», - деб қайд этган [6:130].

Шайх Муҳйиддин Нававийнинг айтишларича, агар Қаффол Шоший деб зикр қилинса, бундан мақсад – ана ўша биз таниган буюк имом Абу Бакр Қаффол Шоший тушунилади. Агар Қаффол Марвазий деб айтилса, унда бу зотдан кейин яшаб, фаолият кўрсатган “Кичик Қаффол” тушунилади. Шоший (“Катта Қаффол”) атамаси тафсир, ҳадис, усул, калом илмларида тақрортакрор зикр этилади. Аммо Марвазий (“Кичик Қаффол”) сўзи эса фикҳга тааллуқли асарларда учрайди [9:5-6].

Маълумки, Қаффол Шоший хижрий 291(милодий 904) йилда Шошда туғилиб, дастлабки билимни ўз юртида, кейинчалик Ўрта Осиёдаги мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезиб, бу ерларда ўзидан сал олдинроқ ўтган ва бебаҳо диний-илмий мерос қолдирган Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк муҳаддислар асарлари билан танишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини эшитади ва ўрганади.

Қаффол Шоший илм талаби йўлида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини кезиб чиқади. Бағдод, Куфа, Дамашқ каби шаҳарларга боради. У буюк факих ва муфасссир Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий, калом илмининг етук олими Абу Мусо Ашъарий (ўз навбатида Қаффол Шоший унга фикҳдан сабоқ берган) каби замонасининг забардаст олимларидан илм-маърифат ўрганган. Умуман олганда, Қаффол Шоший ҳаёти давомида мусулмон дунёси бўйлаб сафар қилган, шогирдлар орттирган.

Тарихий манбаларда Қаффол Шоший дипломат сифатида ҳам эътироф этилади. Маълумки, Византия империяси X асрга келиб, ўз сарҳадларини қайта тиклаш йўлида катта муваффақиятларга эришади. Византия императори Никифор Фоки (963-969)нинг кўмондони Тағфур аббосийлар халифалигига тегишли Шомнинг Шимолий қисми ва Антокияни босиб олиб, халифалик пойтахтига ҳам хавф солади ва ультиматум-мактуб жўнатади. Ўша даврда Византия ва Араб халифалигида шеърятга қизиқиш юксак даражада бўлган. Давлатлар ўзаро алоқаларидаги дипломатик ёзишмалар шеърлар ва қасидаларда ўз аксини топган. Мисрлик олим

Тожуддин Субкийнинг ёзишича, Бағдодда кўзга кўринган олим ва шоирлар кўп бўлса ҳам, ҳеч ким Тағфурнинг бу таҳдид хатига жавоб ёзишга ботина олмаган. Халифа таҳдид хатига жавоб ёзишни Имом Қаффол Шошийга топширади. Унинг шеърий мактуби эса унга муносиб жавоб бўлиб, сезиларли зарба бўлган. Хатто, Византия адиблари, қоҳинлари ҳам: *«Мусулмонларнинг шундай шоирлари борлигини билмас эканмиз»*, деб тан олишлари жуда эътиборлидир.

Аллома қаламига мансуб «Жавомий ал-калим» («Ҳикматли иборалар тўплами»), «Адаб ал-Қози» («Қозининг одоби»), диалектикага бағишланган «Ал-жадал ал-ҳасан» («Яхши баҳс-мунозара»), «Усул» («Фикҳ усуллари») каби асарлари тўғрисида манбаларда қайд этилган. Афсуски, бу асарлардан бирортаси мамлакатимиз китоб ҳазиналарида мавжуд эмас. Фақатгина марҳум муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари 1970 йили Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланадиган Қаффол Шоший «Жавомий ал-калим» асарининг қўлёзмасидан фото нусхасини олиб келганлар, холос.

МУНОЗАРА

Тафсир, фикҳ, ҳадис ва адабиётга доир турли манбаларда Қаффол Шошийнинг асарларидан жуда кўп иқтибослар келтирилади. Бу илмий эътирофлар эса унинг ислом илмлари бобида етук аллома эканлигини кўрсатади.

Шошлик аллома илммаърифат излаб, дунё кезганлиги қатор манбаларда эътироф этилган. Жумладан, россиялик шарқшунос С.Прозоровнинг таъкидлашича, Абу Бакр Қаффол ашШоший илм талабида ислом дунёсининг маданий-илмий марказларига ташриф буюрган, Нишопур ва Бухорода бирмунча муддат яшаб, таниқли олимлардан сабоқ олган. У айниқса, фикҳ илмининг машҳур шайхи сифатида эътироф этилган [12:45].

Қаффол Шоший ва унинг илмий фаолияти нафақат Шарқ олимлари, балки Ғарб тадқиқотчиларининг ҳам эътиборини жалб этган. Машҳур немис шарқшуноси К.Броккельман, буюк рус олими В.Бартольдлар алломанинг илмий меросига юксак баҳо беришган.

Жумладан, рус шарқшуноси Нил Лыкошин 1918 йилда Тошкентда ташкил этилган Туркистон халқ (мусулмон) университети

очилишида аввало Қаффол Шоший номини эхтиром билан тилга олган: *«Сегодня, в радостный день, когда европейская наука получает право гражданства в Старом Ташкенте, передо мной невольно встает светлый образ скромного труженика, не мало поработавшего над просвещением ташкентских мусульман. Я вспоминаю Имама Мухаммада Каффала Шаши или Хазрат Имама, останки которого нашли почетное место на кладбище того же имени в Сибзарской части города... Хазрет Имам принес в древний Шаши начала чистой науки, это стоило ему не малых трудов но зато благодарные потомки и до наших времен не забыли скромного труженника. Его имя сохранилось в памяти народа много веков, потому что он дал народу первые начала знания»* [3:1].

Кўхна Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган Имом Қаффол Шоший зиёратгоҳи бевосита у зотнинг номлари билан боғлиқ бўлиб, халқ орасида «Ҳастимом» (Ҳазрат Имом) деб аталади.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуаси “Барокхон” мадрасаси, “Мўйи Муборак” мадрасаси, “Намозгоҳ” ва “Тилла Шайх” масжидларидан иборат тарихий ансамблларни ўз ичига олган мукаддас зиёратгоҳга айланди.

2007 йилда пойтахтимиз “Тошкент – ислом маданияти пойтахти” деган мақомга сазовор бўлгани муносабати билан Ҳастимом мажмуасида ҳашаматли “Ҳазрати Имом” жомеъ масжиди (сандал дарахтидан ясалган нақшинкор йигирма дона баланд устунларга эга) айвони билан қурилган. Масжиднинг ҳажми 77х22 метрни ташкил этади. Масжиднинг икки ёнида маҳобатли миноралар бўлиб, уларнинг баландлиги 56 метрни ташкил этади. Мусулмон меъморчилигида бутунлай янги бўлган қўш гумбаз ва минорали масжид мажмуадаги тарихий ансамблларга янада файз ва шукуҳ бағишлаб турибди.

Пойтахтимизнинг кўхна гўшасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ёнида жойлашган Қаффол Шоший – Ҳазрати Имом макбараси йилдан-йилга обод бўлиб, Эски шаҳарнинг файзига файз қўшаётган тарихий масканлардан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ансоб. Байрут 1980-82. 10жилд. – Б. 211.
2. Ирисов А. Қаффол Шоший // Маънавият юлдузлари. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 84-86.
3. Лыкошин Н. Помяните первоучителя // Народный университет, 1918. – № 9. – С. 1.
4. Маннонов Б. Қаффол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи, 2004. № 4. – Б. 25-34.
5. Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎЗР ФАШИ қўлёзмалар фонди, № 6114. – 33 б саҳифа.
6. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
7. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşı'nın Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
8. Мухамедов, Н. (2015). Вопросы научного наследия Махмуда Замахшари. Восточный факел, 1(1), 3-5. <https://inlibrary.uz/index.php/eastern-torch/article/view/9585>
9. Мухамедов, Н. (2017). Наука о хадисах и деятельность ученых в Шоше в средние века. Востоковедения, 3(3), 5-12. <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15614>
10. Мухамедов Нематулло Асатуллаевич. Ҳастимом - Абу Бакр Қаффол Шоший тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 64 б. <http://library.ziynet.uz/ru/book/111110>
11. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2024). Epigraphy and History of The Mausoleum Of Abu Bakr Kaffal Shashi. Jurnal ISO: Jurnal Ilmu Sosial, Politik Dan Humaniora, 4 (1), 10. <https://doi.org/10.53697/iso.v4i1.1767>
12. Прозоров С. алКаффал // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М.: Восточная литература, 2000. Вып. 2. – С. 46.
13. Тожуддин Субкий. Табақот шофиёия кубро. -Байрут: Дор алкубро. Байрут: Дор алкутуб аилмия, 1999. 3ж. – Б. 152.
14. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи / Арабчадан Абдуллох Шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннахр, 1995. – Б. 59.
15. Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом нубало. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1999. 16жилд. – Б. 283.